



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 205 (11.766)

Баҳси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Соғлини сақлаши ривожлантириш ва ички ишлар идоралари ходимлари соғлини мухофиза килиш, ёшларни милий гоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига кўшаётган катта хиссасин, ижтимоий-сиёсий ҳайдаги фаол иштироқи учун фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган соғлини
сақлаш ходими»

Усманов Ҳашим Ҳамитович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тибиёт бошқармаси марказий госпитали бошлиғи

Тинчликни, барқарорликни жамоат тартиби таъминлашдаги кўн йиллик шавкатли мөхнати ҳамда хизмат бурчани адо этишда кўрсатган маддик ва фидоилиги, милий манбаатларимизни химоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансан:

«Мехнат шуҳрати»
ордени билан

Эсанов Адҳам Абдукахоровиҷ — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси терғов хибонаси бошлиғи

II даражали «Шон-шараф»
ордени билан

Джарраев Комилжон Махамаджановиҷ — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

Умаров Азамат Батировиҷ — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционери

«Дўстлик»
ордени билан

Кириллов Валерий Анатолевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси цех бошлиғи

Тен Максим Александровиҷ — Коракалпакстан Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бошқармаси гурух бошлиғи

Якубович Александра Дмитриевна — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш мусассасаси бўлим бошлиғи

«Жасорат»
медиали билан

Абдурахмонов Валижон Қобулович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони гурух командири

Билолоҳунов Нурилло Сайдуллаевиҷ — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноятни кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

Болтабаев Тулкин Тұрдібековиҷ — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

Жўраев Улугбек Тўрбековиҷ — Тошкент вилояти Бустонлиқ тумани ички ишлар бўлими жиноятни кидирув ва уюшган жиноятиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Қабуловиҷ Шуҳрат Айтбайевиҷ — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси терғов хибонаси бўлим катта тезкор вакили

«Содик хизматлари учун»
медиали билан

Арипов Абдугани Маджитович — Давлат фельдъегерлик хизмати мухим топшириклар бўйича катта офицери

**ҚИСКА
САТРЛАРДА**

Тошкент шаҳри,
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ ТОШКЕНТ молия институтида таъбатлар, ўқитувчилар, банк соҳаси мутахассислари иштироқида ўтказилган тадбирда банк тизими ислотхоларни янада такомиллаштирища ёшларнинг ўрни масаласи мухокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 октябрь

✓ ТОШКЕНТ тиббиёт академияси Адлия бошқармаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: инсон хуқуқ ва эркинликлари» мавзусида давра сұхбати уюштирилди.

✓ РЕСПУБЛИКА дизайн коллежида учинчи босқич ўқувчилари томонидан «Саноат дизайн» номли кўргазма ташкил этилди.

XXI садоси

аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганч шаҳрида «Янги авлод-2010» фестивалининг Хоразм вилояти босқичи юқори савияда ўтказилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаси ҳамда Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ҳам айни мақсадга хизмат килмоқда.

• Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор каратилмоқда. Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошқармаси мъйлумотларига кўра, жорий йилнинг тўқиз ойи давомида шаҳар ва туманларда кананчилик асосида етти мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Бунда янги обектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини қайта куриш ва кенгайтириш, хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини кўллаб-куватлаш ва янада ривожлантириш мухим ўрин тулади.

• Тошкент Давлат техникауниверситетида «Инновация-2010» XV ҳалқаро илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлиди. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент Давлат техникауниверситети ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилди.

• Қизилтепа туманидаги Фардиён қишлоғилик тадбиркор Ҳамрокул Кенжаков ўз жамғармаси ҳамда банкдан олган 48 миллион сўмлик кредити ҳисобига ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Нодиржон Бобур Ботирбек» корхонасини ташкил этиди. Ҳозир бу ерда янги технологиялар юнагача сифатли макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

• Балиқчи туманидаги Чинобод шаҳарасида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Сарбон ҳамкор ривожи» корхонаси иш бошлиди. Натижада 93 миллион сўмлик илгор технологиилар билан жиҳозланган кичик корхонада 14 та янги иш ўрни яратилиб, киска муддатда истеъмолчиларга 18 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

ЖАҲОНДА

• Италиядаги Сицилия мафиясининг бошлиқларидан бири қўлга олинди. У ўн бир йил мобайнида суддан қочиб юрган. Карабинерлар унинг махфий беркинган жойига тўсатдан кириб боргани боис, у қаршилик кўрсата олмади.

• Сомали қароқчилари Бирлашган Араб Амирликларидан Жанубий Африка Республикасига йўл олган немис юқ кемасига хужум қилди. Кема Кения қирғоғига иккى минг километр яқин жойда қўлга олинди. Айни пайтада қароқчилар 25 та кема ҳамда 400 дан зиёд денгизчини гаровда ушлаб турибди.

• София аэропортидаги божхона омборидан 320 килограмм олтин, 20 килограмм кумуш ва 1 килограмм платина номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Ушбу қиммат баҳо металлар жорий йилнинг августидаги Болгариядан Туркияга ноконуний олиб чиқиб кетилаётган пайтада божхоначилар томонидан мусодара килинганди ва улар контрабанда билан шугулланувчи гуруҳ устидан суд жараёни тугагунига қадар ашёйи далил сифатида ушлаб турилганди. Ҳозир полиция қидирув ишларини олиб бормоқда.

• «Кристи» ким ошди савдо уйи савдоларида дунёдаги энг қиммат Барби қўйирчоғи сотилди. Бир каратли пушти ранг бриллиант маржон билан безатилган қўйирчоқнинг баҳоси 302,5 минг долларни ташкил этиди. Барби унинг тақиёнчоқнинг таникли заргар Стефано Картуни томонидан тайёрланганлиги қўйирчоқ баҳосининг ошишини таъминлади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

ОЛТИН КУЗ НЕЙМАТЛАРИДАН САБОҚ



Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша фазилати, хислати бор. Айниқса, олтин кузнинг саҳовати ўзгача. Унинг бебаҳо неъматлари дастурхонимизга файзу барака келтиради. Ўзбекистонимизда кузда пишиб етиладиган қовун, тарвуз, олма, узум, нок, анор, анжир каби мевалар дастурхонимиз кўркидир.

Миробод туманинди «Лола» номли 66-мактабгача таълим муассасасида «Олтин куз» шиори остида ўқазилган кўргазмали тадбирда болажонлар куз фаслининг хислатлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўйиши.

«Мевача» гурухи тарбиячиси Сайёра Рихсиева болажонларга мева ва сабзавот-

лардан мўл ҳосил миришкор дехқонлар томонидан парвариш килиниши орқали олинишини тушунириб, бундай бебаҳо неъматларни тортиқ килаётгандан она табиатни севиш, ардоқлаш зарурлигини уқтириди. Байрамона ўтган тадбирда кичконтойлар концерт дастурлари на мойиш этишиди.

Бундай тадбирлар таълим муассасасизда ҳар йили анъанавий тарзда ўқазилган келинади. Мақсад олтин куз саҳовати ҳақида кичконтойларга кенг маълумот берни, уларнинг ҳам шахримиз янада обод ва кўркам гўшага айлантиришда хисса кўшиши кераклигини тушуниришдан ибо-

рат, — дейди муассаса мудири Малоҳат Тўйчиева. — Бугунги кунда муассасамизда ўнта гурухда 160 нафар кичконтой тарбияланмоқда. Ёш авлодни соглом, зуко қилиб вояга этиши йўлида учинчи минг йиллик дастури асосида таълим-тарбия берилмоқда. Болажонларга нутк ўстириш, жисмоний, ижтимоий-хиссий ривожлантириш, саводга тайёрлаш бўйича машгуллар ўтказилади. Экология, тасвирий санъат, рақс, спорт тўғракларига кичконтойларимиз катта кизиши билан қатнашади.

Жажжи ўғил-қизларимизнинг доно, зуко бўлиб камолга этишида мактабгача таълим муассасаси муррабийларининг ҳам мунособи хиссаси бор. Бу борада 66-мактабгача таълим муассасасида фаолияти юритаётган мөхрибон, шириңсўз, жонкуяр тарбиячиларнинг хизмати ҳам таҳсинга лойик.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Үлмасов
олган сурат

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида юқумли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг долзарб масалаларига багишиланган илмий-амалий анжуман бошланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вирусология илмий текшириш институти ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда юртимиз олимлари, шифокорлар, санитария-эпидемиология соҳаси ходимлари ҳамда Россия, Жанубий Корея, Украина, Белоруссия, Қозогистондан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

Фармон ва ижро

ПРОФИЛАКТИКА —
БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

юқори савияда ташкил этиш билан бир қаторда, эмлашнинг ҳам самарали тизими шакллантирилган. Қон хизмати хавфизлигини ташминлаш, ахолининг санитария-гиена маданиятини янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли касалликларга қарши профилактик тадбирлар кўлумини кенгайтиришга алоҳидан ётибор қараштирилган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими ташкил этиш билан бир қаторда, эмлашнинг ҳам самарали тизими шакллантирилган. Қон хизмати хавфизлигини ташминлаш, ахолининг санитария-гиена маданиятини янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли касалликларга қарши профилактик тадбирлар кўлумини кенгайтиришга алоҳидан ётибор қараштирилган.

Ўзбекистонда юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиология ва эпизоотия ҳолати кўмаклаши борасида кенг қарори курашда санитария-гиена тадбирларни юқори савияда ташкил этилди.

Ўзбекистонда юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиология ва эпизоотия ҳолати кўмаклаши борасида кенг қарори курашда санитария-гиена тадбирларни юқори савияда ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш борасидаги юмушларга багишиланган йигилиш бўлиб ўтди.

Ўсмирлар ва болаларни ҳуқуқий ҳимояси, ўз ўйидагидек хис этиши учун барча шартшароит юратилган, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига марказ бошлиги ўринбосари Ойбек Олимбеков. — Транзит марказ бўлганинги учун бошқа давлатлардан келиб, қаровсиз қолган

болаларни ҳам ўз отоналари, яқинларига, тегишили муассасаларга топшириш самараларни оширилмоқда.

Тадбир давомида марказда тарбияланяётган болалар ва спорт машгулларни билан машгул бўлган ўшлар билан ҳам мулокот килинди.

Нариза АСАДОВА

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Яккасарой академик лицейида ўшларнинг маънавий камолоти масалаларига багишиланган семинар ўтказилди.

Семинарлар

ҲУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ

Адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ўшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигига ташкил этилган семинарда «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари» тўғрисидаги Конунлар мазмун-моҳияти, жамиятни ҳуқуқий маданияти юклартириш борасида амалга оширилётган ишларга тўхталини.

Лицейда бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш аньанаға айланган, — деди лицей ди-

ректори ўринбосари Худойберди Ҳакназаров. — Ҳафтада бир маҳората мутасадди ташкилотлар вакиллари иштироқида ўқувчиларга ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказилади.

Тадбирда ўшлар тарбиясига ўқитувчилар ота-оналар билан бирдек масъул эканлиги, уларни «оммавий маданият» таъсисидан асрар, бу борада назоратни қуайтириш, қўрилаётган чора-тадбирларга масъулият билан ёндошилга лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

«Туркистон-пресс»

СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИГА БАГИШЛАНДИ

Кейнинг йилларда аҳборот, кутубхоначилик, библиографик фаолият ва ноширлик иши бўйича қатор қўлланмалар босмага тайёрланди. «Аҳборот, кутубхоначилик ва ноширлик иши бўйича андозалар тизими» деб аталган тўплам стандартлар таҳлилига багишиланди.

Ўзбекистон алоқа ва аҳборотлашириш агентлиги томонидан тақдим қилинган аҳборот-кутубхона фаолиятига оид стандартлар тўплами мухим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳборот-кутубхона фаолияти ўз аксини топган бу нашр бўйича анжуман ташкил этилди. Унда ахолини аҳборот-кутубхона билан тўлиқ ташминлаш билан боғлиқ қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

КАФЕДРА ТЎПЛАМЛАРИ

Тошкент тиббиёт академиясида фаолият кўрсататётган кафедралар чинакам илмий тадқиқотлар марказига айланган. Шу ўринда нормал ва патологик физиология кафедраси фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Нормал физиология фанининг ўзбек ва рус тилларда электрон ўқув қўлланмаси устида ҳам самаралари изланни олиб борилди. Ҳусусан, якинда «Нормал физиология» дарслиги чоп этилди.

Оғиз бўшлигининг ўзига хос физиологик хусусиятига багишиланган тадқиқот ҳам юзага келди. Бу изланни эндилиқда талабалар учун асосий қўлланмалардан бирига айланди.

ТАСВИРИЙ КЎРГАЗМАЛАР

Ёшларнинг маънавий оламини бойитишида темир йўл тармоқ касаба уюшмаси томонидан ўқув масканларига олиб борилётган тадбирларнинг аҳамияти катта.

Шулардан бири «Гўзал ва мағтункор Ўзбекистон» деб номланиб, унга 27 та тасвирий кўргазмани тайёрланди.

Она Ватан мавзусидаги бу экспозициялар ўқув юртлари ва темир йўл корхоналарига тарқатилди. Жойларда уюштирилаётган давра сұхбатларида ҳам бўйлардан фойдаланилмоқда.

ЕР ТУЗИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ер тузиш ва ер муносабатлари кафедрасига Республикада ер тузиш ва ер кадастри йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун базавий кафедра мақоми берилди. Шу муносабат билан тўққизта фан бўйича намунавий дастурлар тайёрланди.

Бу ерда «Ер тузиш иктисоди» ва «Ер тузишни йўналаштириш» фанлари бўйича олиб борилётган изланнислар асосида илмий тўпламлар босмага тайёрланмоқда. Шунингдек, «Ер тузишни илмий асослари», «Ер тузишни лойиҳалаша» деб номланган қўлланмалар ўзбек тилида чоп этилди. Шартнома асосида эса шу соҳа бўйича қатор дарслипар ҳам чиқарилди.

Ақбар АЛИЕВ

ЯНГИ АВЛОД ФЕСТИВАЛИ

Юнусобод тумани ўқувчилар ижодиёти марказида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

«Иқтидоринг йўқ деб ким айтди» шиори остида ўтказилган тадбир Фонд форум, ЮНИСЕФ ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигига ташкил этилди. Иштирокчилар классика, вокал, миллий чолгулар, рақс, тасвирий санъат, шеърият, насрый асарлар ва саҳна асарлари учун сценарийлар йўналишларида ўз иқтидорини намоийш этиди.

Танловда намоийш этилган ўқувчиларнинг кўл меҳнати билан яратилган амалий санъат намуналари кўргазмаси кўнчилликда катта таассурот қолдириди. Ёшларнинг ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, зардўзлик йўналишида хунар ўрганишга кизикиши алоҳиди.

Совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланиб, фестивалининг шаҳар босқичига йўлланмани ҳам кўлга киритиши. Нилуфар ҲАЙТОВА

